ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2021 / №1 (53)

Андижон
2021 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва Оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 2020 йил 17 августда 1097 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих, филология, педагогика, кимё ва биология фанлари бўйича Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган нашрлар рўйхатига киритилган.

Босишга рухсат этилди: 23.03.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:21

«Ҳаёт нашри - 2020» нашриёти
матбаа бўлимида чоп этилди.
Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.ilmiyxabarnoma.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)
Комилов Ойбек Камилович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юсупова Альфия Шавкетовна – филология фанлари доктори, профессор (Казан, Россия)
Мирзаева Салимахон Райимжоновна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алефиренко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Қапар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

У. БЎТАЕВ, О. ҒАНИЕВ
«Ақлий марказлар» – давлат ва жамият бошқарувини ривожлантирувчи асос.....5

ТАРИХ

А. МАМАЖОНОВ
Андижонликларнинг Фарҳод ГЭСи қурилишига қўшган ҳиссаси.....14

О. ЗАРИПОВ
Туркистон ўлкасида ирригация ва сув тақсимотига оид илк қонунлар.....23

М.М. ЭРГАШЕВА
Андижон вилояти архив фондларининг шаклланиш тарихидан (1921–1970 йиллар).....32

С.А. ҲОШИМОВ
Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда диний сиёсати тарихидан.....41

Ш.Т. САИДАХМАТОВ
Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри агломерацияси муаммолари.....51

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.З. АБДУЛЛАЕВА, И.А. МАДГАЗИЕВ, С.И. ИСЛОМОВА
«Дархон» газетаси ва Чўлпоннинг журналистик фаолияти.....59

И.А. МАДГАЗИЕВ
XIX аср сўнгги чораги ва XX аср бошлари Андижон адабий муҳити манбалари.....70

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х. ШАХОБИДДИНОВА, Д.В. ПОПОВ
О языке массовой культуры.....79

Ғ.М. ҲОШИМОВ, Ҳ.О. ҚОСИМОВА
Турли тизимдаги тилларда кириш бўлакларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари.....89

Ғ.М. ХОШИМОВ, С.Ж. НАЗАРОВА
Турли тизимдаги тилларда поликомпонентли қўшма гапларнинг мақоми ва дискурсив жиҳатлари.....98

З.М. ҚОДИРОВ
Ўзбек тили келишик системасининг ўзаро функционал-семантик нейтрализацияси.....108

Д.С. НЕЪМАТОВА
Чўлпон публицистик асарлари услубиятига доир.....116

М.Т. ХАЛИЛОВА
Илмий-оммабоп нутқ матнлари ва уларнинг услубий хусусиятлари.....124

CONTENTS

PHILOSOPHY

U. BOTAEV, O. GANIEV
«Think tanks» – the basis for the development of government and public administration.....5

HISTORY

A. MAMAJONOV
Contribution of andijan people to the construction of Farhod hydroelectric powerstation.....14

O.O. ZARIPOV
The first laws on irrigation and water distribution in the turkistan region.....23

M.M. ERGASHEVA
From the history of formation of archival funds of andijan region (1920-1970).....32

S.A.KHOSHIMOV
From the history of the religious policy of the soviet government in Uzbekistan....41

SH.T. SAIDAHMATOV
Problems of Termiz city aglomeration In the years of independence.....…51

LITERARY STUDIES

D.Z. ABDULLAEVA, I.A. MADGAZIEV, S.I. ISLOMOVA
Darkhon newspaper and chulpon's journalistic activity.....59

I.A. MADGAZIEV
Sources of the andijan literary environment of the last quarter of the XIX century and the beginning of the xx centuy.....70

LINGUISTICS

Sh.H. SHAHOBIDDINOVA, D.V. POPOV
About the language of mass culture.....79

G.M. HOSHIMOV, H.O. KOSIMOVA
Linguvocognitive and linguculturological aspects of introduction in different languages.....89

G.M. XOSHIMOV, S.J. NAZAROVA
Status, length and discoursive features of polycomponential composite sentences in non-related languages.....98

Z.KODIROV
Functional-semantic neutralization of the uzbek language case system.....108

D.NE'MATOVA
Chulpon on the style of publicistic works.....116

M.T. KHALILOVA
Popular-scientific speech texts and their stylistic peculiarities.....124

УДК 409.34

ТУРЛИ ТИЗИМДАГИ ТИЛЛАРДА КИРИШ БЎЛАКЛАРНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ ВА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Ғ.М. Ҳошимов, Ҳ.О. Қосимова

Мақола кириш бўлакларнинг тилшуносликдаги мақоми, уларнинг лингвокогнитив асослари, структурал-семантик, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик жиҳатларини инглиз ва ўзбек тиллари мисолида қиёсий-типологик ўрганиш масаласига бағишланган. Унда кириш бўлаклар турлари таснифлаштирилади, уларнинг қиёсланаётган тиллардаги изоморфик ва алломорфик жиҳатлари, уларни тақозо этувчи лисоний ва нолисоний омиллар очиб берилган.

Калит сўзлар: *кириш бўлаклар, парентеза, тенглашиш, тобелашиш, коммуникатив эҳтиёж, коммуникатив муддао.*

Данная статья посвящена сопоставительно-типологическому изучению лингвокогнитивных основ, структурно-семантических, коммуникативно-прагматических и лингвокультурологических особенностей вводных членов предложения в современных английском и узбекском языках. В ней разработана таксономика типов вводных членов предложения, выявлены их изоморфные и алломорфные свойства и лингвистические и экстралингвистические факторы, обуславливающие последние.

Ключевые слова: *вводные члены предложения, парентеза, сочинение, подчинение, коммуникативная потребность, коммуникативная интенция.*

Ҳозирги замон тилшунослигида гап ва унинг бўлаклари масаласи, уларнинг гапдаги вазифалари, объектив борлиқни инъикос этишдаги иштироки, шунингдек, лингвокультурологик хусусиятларини ўрганиш бўйича бир қатор муаммолар ҳанузгача ўз ечимини кутиб турибди.

Синтаксис бобида энг марказий масала, яъни гап бўлаклари ва уларнинг даражаланиш жиҳатдан аҳамияти (биринчи, иккинчи даражали бўлаклар, кириш бўлаклар ва ҳ.) бугунги кунда ҳам кескин тортишувлар ва жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Айниқса, гапдаги кириш бўлакларга бўлган қизиқиш ва эътибор тобора кучайиб бормоқда, бунинг далили сифатида тилшуносликда турли тиллар материалларида монолингвал ва кўп тиллар материалларида полилингвал аспектда қиёсий-типологик изланишлар амалга оширилган. Уларда кириш бўлак, унинг мақоми, таърифи, структурал-семантик турлари, функционал-коммуникатив жиҳатлари,гапдаги вазифалари каби бир қатор масалалар таҳлилга тортилган бўлиб, муҳим натижалар ва хулосалар олинган, лекин бу тадқиқотларнинг барчаси анъанавий структурал тилшунослик йўналишида амалга оширилган бўлиб, уларга антропоцентрик тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашилмаган, ушбу бўлакларнинг лингвокогнитив асослари ва лингвокультурологик хусусиятларига эътибор умуман қаратилмаган.

Гап назарияси бўйича амалга оширилган илмий ишлар орасида тилшунос олим Л.С.Бархударов олиб борган тадқиқотларнинг натижалари муҳим ўрин тутади. Гап назариясида Л.С.Бархударовнинг гапга бўлган ёндашуви ўзига хос бўлиб, ўзининг соф грамматик жиҳатлари билан ажралиб туради. Айниқса, унинг гапга берган қуйидаги таърифи диққатга молик: «Гап (*sentence*) деб эга ва кесим структурасидан иборат бўлган шундай тил бирлигига айтиладики, унда мазкур структура уни минимал нутқ бирлигига айлантира олади»[1. Б.141–143]. Шундай қилиб, Л.С.Бархударова таъбирига кўра, гап деганда эга-кесимли структурани тушуниш керак. Масалан: *Болалар келди – The children have come*.

Шуни таъкидлаш лозимки, баъзан гаплар қуйидаги таркибга эга бўлиши ҳам мумкин:

***Албатта**, болалар келди – **Of course**, the children havecome.* Бундай гаплар эга-кесимдан ташқари таркибида *кириш бўлак* борлиги билан ҳам юқоридаги гаплардан фарқ қилади. Демак, гапнинг структурасини кириш бўлак кенгайтириши мумкин экан, шу боис унинг грамматик таърифига ҳам бироз ўзгартиш киритиш мумкин. Унда гап ҳақидаги таърифни «Гап (sentence) деб структураси эга, кесим ва парентеза (кириш бўлак)дан иборат бўлган шундай тил бирлигига айтиладики, унда мазкур структура уни минимал нутқ бирлигига айлантира олади» деб қисман тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Кўриниб турибдики, гапнинг гап бўлиб шаклланиши учун эга ва кесим бирлиги муҳимдир. Шу ўринда, гап бўлакларига ажратиш ва уларни даражаларга бўлишда қайси бўлак бош, қайсилари иккинчи даражали эканлиги ва кириш бўлаклар нечанчи даражали бўлак эканлиги ҳақида кўп мулоҳазалар мавжуддир. Баъзи адабиётларда гап бўлакларини бош (эга, кесим) ва иккинчи даражали бўлакларга (тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол) ажратилган, лекин кириш бўлакларнинг нечанчи даражали бўлаклар қаторига кириши ҳақида маълумотлар берилмаган, аксинча, у ҳанузгача гап бўлаги мақомига эга бўлмаган элемент сифатида қаралиб келинмоқда.

Тилшунос олим Ғ.М.Ҳошимов «Гап ва унинг бўлакларига ҳамда кенгайтирувчиларига қиёсий-типологик ёндашув» мақоласида гап бўлакларига ва уларнинг даражаланишларига ўзига хос тавсиф ва тасниф бериб ўтган. Унга кўра, эга бош бўлак (мутлақ ҳоким), кесим иккинчи даражали бўлак (эгага мутлақ тобе), тўлдирувчи ва ҳол учинчи даражали бўлаклар (кесимга тобе), аниқловчи ва изоҳловчи тўртинчи даражали (отлашган бўлакларнинг барчасига тобе) ва кириш бўлаклар бешинчи даражали (бутун гапга тобе) бўлаклардир [2. Б. 75].

Аксарият адабиётларда кириш бўлакларга сўзловчининг айтилаётган фикрига муносабатини билдирувчи, лекин гапнинг бошқа бўлаклари билан синтактик ва грамматик жиҳатдан алоқага киришмайган элементлар деб таъриф берилган. Х.Абдураҳмоновнинг фикрига кўра, «Сўзловчи баён этаётган фикрига муносабатини билдирадиган сўз ёки сўз бирикмаси кириш сўз ёки кириш бирикма дейилади». Улар гапнинг бошқа бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмайди» [3. Б. 233]. А.Ғуломов ва М.А.Асқарова эса кириш сўзларга қуйидагича таъриф берадилар: «Кириш сўзлар сўзловчининг айтилаётган фикрга муносабатини билдиради, лекин шу гапнинг бўлаклари билан синтактик жиҳатдан боғланмаган элементлардир» [4. Б. 190].

Кириш сўзлар ҳақида Абдурауф Фитрат қуйидагиларни ёзади: «Гап орасида шул гапнинг бўлаклари билан «наҳви» бир муносабат бўлмаган бир сўз ё бир гап киргизиладир. Мана шул ёт бўлуб кирган сўз ё гапка «кириш сўз» дейиладир» [5. Б. 163]. Эндрю Макиннерней эса ўз тадқиқотида кириш бўлаклар синтактик жиҳатдан гап билан умуман алоқадор эмас, деган хулосага келади [6. Б. 42].

Биз гапни сўз каби яхлит, монолит тил бирлиги, тўғрироғи, тил белгиси, яъни синтактик бутунлик сифатида олсак, унинг таркибидаги ҳар бир бўлакни унга тегишли деб қарашимиз керак бўлади. Агар сўз бирикмасини ҳам синтактик бутунлик деб олсак, уни ташкил қилган ҳар бир сўзнинг ўз вазифаси бор, деб қаралиши лозим, шунга кўра, ундаги бирор сўз тушириб қолдирилган тақдирда, фикр, коммуникатив интенция тўлиқ ифода этилмай қолади. Ёки матн таркибидаги ҳар бир гапни олсак, у матннинг тўлиқ ташкил топиши ва унда маъно бутунлигининг сақланишига бевосита хизмат қилади. Демак, гап ҳам бир синтактик бирлик бўлганлиги сабабли ундаги ҳар бир бўлак шакл ва маъно бутунлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, кириш бўлакларнинг гапга ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб қарашга тилшуносликда аниқ бир илмий асос йўқ, чунки улар ҳар бир тилда ўз мақомига эга бўлган, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик жиҳатдан муҳим бўлган бир концепт, яъни аксиологик баҳолаш нуқтаи назаридан олиб қаралганда, «субъектив-модал муносабат» концептини ифодаловчи гап бўлакларидир.

Рус тилшуноси Б.А.Ильиш гапдаги ҳар бир элемент гапнинг структурасига киради ва кириш бўлаклари ҳам худди гапдаги

бошқа сўзлардек гап бўлаклари эканлигини таъкидлайди [7. Б. 363]. И.Столярова ўз ишларида кириш бўлакларининг гапга семантик жиҳатдан боғланганини ва улардаги модаллик маъноси гап мазмунига таъсир кўрсатишини қайд этган [8. Б. 11–13].

Бу масалада, бизнингча, «кириш бўлаклар»ни гап бўлакларининг бир-бирига тобелик даражасига кўра бешинчи даражали бўлак эканлиги, улар гапнинг бир алоҳида бўлагини эмас, балки бутун гапни изоҳлаб, унинг мазмунини тўлдириб келиши, шу боис гап билан кириш бўлак ўртасидаги ўзига хос бир синтактик муносабат мавжудлиги, яъни *тенглашиш ва тобелашиш* муносабатларидан фарқли ўлароқ, *«киришиш»* муносабати мавжуд эканини эътироф этиш мақсадга мувофиқдир [2. Б. 74]. Бу борада А.Р.Сайфуллаевнинг «кириш бўлакнинг ҳам гап бўлаги сифатида мақоми борлиги» ҳақидаги фикрини маъқуллаймиз [9. Б. 4–21].

Демак, бу ўринда бошқа гап бўлаклари қаторида «кириш бўлак»лар ҳам ўз синтактик мақомига эга эканлигига урғу бериш лозим, чунки гап бўлаклари назариясида *«кириш бўлак»* деб ялпи ном олган бу гап бўлаги муайян бир гапга нисбатан олингандагина *кириш бўлак* мақомини намоён қила олади. Бу ерда мазкур кириш бўлак нимага нисбатан олинганда кириш бўлак деб номланади, деган саволга жавоб қидирилса, шу гапга нисбатан кириш бўлак экани ва у айни гапнинг бир бўлаги экани яққол кўзга ташланади. Қолаверса, у бутун бир гап билан синтактик муносабатларнинг махсус тури, яъни «киришиш муносабатлари» орқали боғланаётганини исботлаш мумкин. Шундай қилиб, кириш бўлаклар бутун гап таркиби билан грамматик алоқага киришади ва унинг муайян бир синтактик вазифада (кириш бўлак вазифасида)ги қисми сифатида гапга қўшимча субъектив-модал семантикани – маънони бера олади, шунингдек, ундаги маъно бутун гап маъносига қўшимча киритади. Фикримиз далили сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги қуйидаги гапларни таҳлил қилайлик:

Really, I didn't know anything [10. Б. 7]. – *Тўғриси, мени бундан ҳеч хабарим йўқ эди* [11. Б. 12].

Perhaps, we shall have some good news for you soon [10. Б. 17]. – *Эҳтимол, бугун-эрта сизга бирор янгилик бўлиб қолар* [11. Б. 23].

Юқоридаги гапларнинг биринчи ва иккинчисида сўзловчининг рост гапни айтмоқчилиги, учинчи ва тўртинчи гапда эса тахмин қилаётганлиги кириш бўлаклар орқали ифодаланган. Ушбу кириш бўлаклар сўзловчининг фикрини тўлиқ ифодалашга хизмат қиляпти. Бундан ташқари, бу кириш бўлаклар гапларнинг бирор бўлаги ёки бўлакларига эмас, балки яхлит, бутун гапларга боғланиб келяпти.

Тилшуносликда кириш конструкцияларни ифодалаш учун кўпинча «парентеза» термини қўлланади. Луғатларда «парентеза» гапга қўшимча маъно киритувчи сўз, сўз бирикмаси ёки гап деб таъриф берилади. Шунинг учун кириш бўлаклар «парентеза бўлаклар» деб ҳам аталади. Шунингдек, кириш бўлаклар клоузлар (гапга тенг эга-кесимли структуралар) билан ҳам ифодаланиши кузатилади, бундай кириш гапли қўшма гапларни Ғ.М.Ҳошимов «парентаксема»атамаси билан номлайди [12.Б. 37–38].

Кириш бўлаклар бадиий асарда фикрни тўлиқроқ ва эстетик жиҳатдан таъсирлироқ ифодалашга хизмат қилади, фикр бутунлигини таъминлайди. Шунинг учун бадиий матнда кириш бўлаклардан кенг фойдаланилади.

М.Пирогова «А.П.Чехов ҳикояларида парентезалар» номли тадқиқотида Чеховнинг 20 та ҳикоясидаги 498 та кириш бўлакни таҳлил қилган. Улардан 219 таси сўзлардан, 132 таси сўз бирикмаси ва 138 таси эса гаплардан ташкил топганини аниқлаган [13.Б. 28–35]. Шунингдек, биз ўз таҳлилларимиз асосида Э.Ҳемингуэйнинг «Чол ва денгиз» («The Old Man and the Sea") асарида 84 та кириш бўлак иштирок этгани, улардан 47 таси сўзлар, 24 таси сўз бирикмаси ва 13 таси эса гаплардан иборат эканини аниқладик. Улар таржимада ҳам кириш бўлаклар сифатида баҳоли қудрат сақлаб қолинган, кириш бўлакли қурилмаларнинг аксиологик жиҳатлари, яъни «субъектив-модал маъно бўлаклари, уларнинг лингвокультурологик хусусиятлари таржимада акс этиши таъминланган.

Қиёсий-типологик таҳлиллар асосида шу нарса аниқландики, инглиз ва ўзбек тилларида кириш бўлакли конструкцияларни тузилишига

кўра 3 муҳим турга ажратиш мумкин: 1) кириш бўлаги сўз билан ифодаланган конструкция (construction with a parenthetical word); 2) кириш бўлаги сўз бирикмаси билан ифодаланган конструкция (construction with a parenthetical phrase); 3) кириш бўлаги клоуз (гап) билан ифодаланган конструкция (construction with a parenthetical clause). Қуйида уларнинг ҳар бирига тўхталиб ўтамиз:

1) кириш бўлаги сўз билан ифодаланган конструкция (*perhaps, actually, maybe, besides; балки, эҳтимол, афсуски, хуллас*).

Perhaps, he is too wise to jump [13. Б. 13]. – *Эҳтимол, унинг сакраб чиқаётгани ҳам бениҳоя ақлли бўлганидандир* [14. Б. 14].

2) кириш бўлаги сўз бирикмаси орқали ифодаланган конструкция (*after all, in fact, telling the truth, in my opinion; ростини айтганда, гапнинг пўст калласи, бахтга қарши, бундан ташқари* ва ҳ.);

After all, I abused it much in the night when it was necessary to free and untie the various lines [13.Б. 16]. – *Нима бўлганда ҳам, кечаси жамийки калаваларни кесиб, бир-бирига улаш керак бўлганда, у шўрлик мендан кўп азият чекди* [14.Б. 19].

3) кириш бўлаги клоуз (гап)лар орқали ифодаланган конструкция (*as you know, as is known, according to what the man said; ростини айтсам, маълумингизким, кўриб турганингиздек, тўғрисини айтсак, айтайлик, боринг ва ҳ.*).

As you know, nothing is easy in the world [13. Б. 20]. – *Ростини айтсам, дунёда осонлик билан битадиган ишнинг ўзи йўқ* [14. Б. 23].

Кириш сўз ва бирикмалар инглиз ва ўзбек тилларида кўпинча модал сўзлар (*perhaps, maybe, surely, undoubtly; эҳтимол, шубҳасиз, сўзсиз*) билан ифодаланади, бундан ташқари, кириш конструкцияларнинг грамматик шакллари ҳам анча ранг-барангдир. Унда феълли бирикмалар ҳам (*telling the truth, frankly speaking, to sum up; айтсам, айтайлик*), отли иборалар ҳам (*in fact, in conclusion; афти+дан, чама+си, чамам-да*), олмошли иборалар ҳам (*as for me, all in all; менинг+ча, сенинг+ча*), фразеологик иборалар ҳам (*as for me,to cut a long story short,in a nutshell,once upon a time; гапнинг пўст калласини айтганда, гапнинг индаллосини айтсам* кабилар) кириш бўлак вазифасида келиши мумкин.

As for me, he got convinced that the story had not been some product of his father's imagination [16. Б. 8]. – *Менимча, у бир вақтлар отаси сўзлаб берган бу ривоят уйдирма эмас, ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилди*[17.Б. 17].

Frankly speaking, you've changed a lot [10. Б. 79]. – *Гапнинг рости, сиз жудаям ўзгариб кетибсиз* [11.Б. 41].

Кириш бўлаклар нутқимизда маълум семантик ва коммуникатив-прагматик аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаш керак. Шунга кўра, кириш бўлаклар коммуникатив синтаксиснинг муҳим ўрганиш объектларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тилда сўзловчи/ёзувчининг у ёки бу гапни қўллашдан муддаосини воқелантирувчи кириш бўлакларни инглиз ва ўзбек тилларида коммуникатив-прагматик жиҳатдан қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1) *тасдиқни ифодаловчи:* of course, really, in fact; тўғриси, ҳақиқатдан, дарҳақиқат, шубҳасиз ва бошқалар;

You are welcome, of course, to another opinion [14.Б. 43]. – Турган гап, сиз бошқа фикрда бўлишингиз мумкин [15. Б. 46].

2) *гумонни ифодаловчи:* perhaps, maybe, probably; эҳтимол, балки, шекилли, чамаси ва бошқалар;

Maybe, they kept the plague restricted to the perimeter of the town [16. Б. 23]. – Балки, бундай чора-тадбирлар касалликнинг шаҳардан ташқарига чиқишига йўл қўймасди [17. Б. 47].

3) *фикрнинг кимга қарашли эканини ифодаловчи*: in my opinion, to my view, according to ...; фикри ожизимча, ўйлайманки, айтишларича, уларнинг фикрига кўра ва бошқалар;

There was, to my mind, something eerie and ghostlike [16. Б. 25]. – Назаримда, арвоҳлар ёпирилиб келаётгандай эди [17. Б. 32].

4) *фикр тартибини ифодаловчи:* at first, secondly, thirdly, at last; to begin with; биринчидан, иккинчидан, аввало ва бошқалар;

At first, young Aureliano understood only the risk, the immense possibility of danger that his brother's adventure implied, and he could not understand the fascination of the subject [16. Б. 31]. – Аввалига, кичик Аурелиано, аҳволи ёмон

экан деб чўчидию, ҳали Аркадиони домига тортаётган оҳанрабо нелигини тушунмасди [17. Б. 44].

5) *ишончни ифодаловчи:* as you know, to be sure, telling the truth, frankly speaking, it goes without saying, beyond doubt, no doubt; биласизки, кўриб турганингиздек, тўғриси, ростини айтсам ва бошқалар;

Telling the truth, without warning his feverishing activity was interrupted and was replaced by a kind of fascination [16.Б. 4]. – Тўғриси, кўп ўтмай, Хосе Аркадио Буендианинг қайноқ фаолияти бирдан сўниб, ғалати ҳолатга тушиб қолди [17. Б. 9].

6) *ачиниш ва афсусни ифодаловчи:* unfortunately, pity, what a pity; афсуски, афсус, минг афсус, эссиз, бахтга қарши ва бошқалар;

At first, when aunt was pulling on her gloves: «I, unfortunately, have to leave, but you sit down, play chess with my nephew, thanks for the wonderful lilies of the valley.»[14. Б. 23].

– Аввалига, холам қўлқопларини ечаётиб, «Бу ажойиб нилуфар гулларга қара, бахтга қарши, мен кетишим керак, аммо сен қолиб жияним билан шахмат ўйна» деди [15. Б. 32].

7) *шодлик ва хурсандчиликни ифодаловчи:* fortunately, luckily enough; толеимдан ўргилай, бахтимдан ўргилай, айланай, небахтки, бахтимга, хайрият, кўргиликки, не бахтиқароликки, хайриятки ва бошқалар;

And, fortunately, we have no distance to go [14. Б. 96].

– Ҳа, бахтимизга, бу узоқ эмас [15. Б. 112].

8) *хулосани ифодаловчи:* to cut a long story short, in short, to sum up; қисқаси, умуман олганда, гапнинг лўндаси, гапнинг пўст калласини айтганда ва бошқалар;

After all, what he had always wanted was just: to know new places [14. Б. 19]. – Ваниҳоят, унинг азалий орзуси янги дунёларни англаш эканлигини сезди [15. Б. 25].

9) *далил ва исботни ифодаловчи*: for example, for instance; масалан, мисол учун, айтайлик ва бошқалар;

How, for example, could you describe with such confidence the wooden-legged man? [14. Б. 88]. – Масалан, менга тушунтириб беринг-чи, ёғоч оёқ одам қиёфасини қандай қилиб бу қадар аниқ билолдингиз? [15. Б. 101].

10) *қўшимча фикр ва мулоҳазани ифодаловчи:* what'smore, besides, additionally, inaddition; шунингдек, бундан ташқари, шу билан бирга ва бошқалар.

It was known that, furthermore, he had voted blue at his father-in-law's direction [14. Б. 47]. – Бундан ташқари, қайнотаси кўрсатмасига амал қилиб кўк конвертларга овоз бергани маълум бўлди [15. Б. 64].

Кириш бўлаклар ундов сўзлар билан ҳам ифодаланади. Ундов сўзлар гап мазмунига эмоционал бўёқ бериб, унинг прагматик ҳолатини ўзгартириши мумкин.

«Oh, you want to see Mr. McManus,»he returned»[16. Б. 8].

Кириш бўлаклар сўзловчининг ифодаланаётган фикрга муносабатини кўрсатар экан, у сўзловчига таъсир кўрсатиш мақсадида эмоционал бўёқдорлиги таъминланган бўлиб, ижобий ва салбий стилистик бўёққа эга бўлади:

1) ижобий стилистик бўёққа эга: fortunately; бахтингга, бахтимга, ҳайрият ва бошқалар;

2) салбий стилистик бўёққа эга: unfortunately; бахтга қарши, эссиз, афсус ва бошқалар.

Шу ўринда баъзи сўзлар кириш бўлак сифатида маълум коммуникатив эҳтиёжлар сабабли ишлатилиши ва окказионал маънога эга бўлиши мумкин. Сўзларнинг нутқий жараён билан боғлиқ ҳолда англатган маънолари окказионал маъно бўлиб, бошқа нутқий вазиятда ушбу маънони ифодаламайди [18. Б. 3]. Масалан:

Then, remember he hasn't eaten since he took the bait and he is huge and needs much food [14. Б. 20]. – Кейин, мен бу гапни ўзимдан ўзим ўйлаб топмадим (17. Б. 44).

Юқоридаги гапларда «then»ва «кейин» сўзлар кириш бўлаклар сифатида қўлланган. Одатда «then»ва «кейин» сўзлари равишлар бўлиб, кўпинча ҳол вазифасида келади. Юқоридаги гапларда эса, маълум нутқий шароитдан келиб чиқиб, фикрни аввалги фикр билан боғлаш учун хизмат қилган.

В.В.Антонова киришларнинг лингвокультурологик жиҳатлари ҳақида шундай ёзади: «Парентезалар маълум халқнинг дунёқараши ва маданияти ҳақидаги тасаввурни яратиб берадиган элементлар ҳисобланади» [19. Б. 13]. Масалан, ўзбек халқ

эртаклари «Бор экану, йўқ экан, ...», инглиз тилида эса эртаклар «once upon a time ...» каби фразеологик бирликлар билан бошланади ва улар кириш бўлак вазифасида келади. Кўриниб турибдики, эртакларни бошлаб берувчи кириш сўз ва гаплар турли тизимдаги тилларда ўзига хос, чунки улар маданиятлардаги ўзига хослик ва бетакрорликни кўрсатмоқда.

Ўзбек тилидаги «гапнинг пўст калласини айтганда» ибораси кириш бўлак сифатида кўп ишлатилади ва *қисқаси* деган маънони англатади. Агар ушбу ибора шундайлигича бошқа тилга таржима қилинса, ўзбек тилидаги маъно келиб чиқмайди. Чунки бу ибора ўзбек тилигагина хосдир. Инглиз тилидаги «*to cut a long story short*» ва «*in a nut shell*» иборалари *хуллас, қисқа қилиб айтганда* деган маъноларни билдиради. Бу ибораларни ўзбек тилига *«узун ҳикояни қисқа қилмоқ», «ёнғоқ пўстлоғида»* деб таржима қилиш тўғри бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилган кириш бўлакни ифодаловчи тил воситаларининг муайян турлари (айниқса, in a nutshell, to cut a long story short, to my astonishment, it goes without saying, гапнинг индаллоси, гапнинг пўст калласи, очиғини айтсам кабилар) фразеологик бирикма ёки қурилмалар орқали ифодаланган лингвокультуремаларни ташкил этади, улар инглиз ёки ўзбек халқи маданиятининг ўзига хос бетакрор хусусиятларини акс эттирувчи тил бирликлари ҳисобланади, шу боис ўқитиш ва таржима қилиш жараёнида уларга жиддий эътибор қаратиш лозим, акс ҳолда тиллардаги этнолингвокультурологик ўзига хосликлар, мураккабликлар туфайли улар ўқув жараёнида ўрганилмай қолиши, таржимада эса ўгирилмай, тушириб қолдирилиши ҳам мумкин.

Юқоридаги қиёсий таҳлилдан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Махсус адабиётларда шу кунгача бўлган даврда кириш бўлак (парентеза)нинг синтактик мақомига бўлган салбий ёндашув бўлган (ваҳоланки, у гап бўлаги сифатида тан олинмаган, гапнинг асосий қисми билан ҳеч қандай грамматик-синтактик алоқага киришмайдиган, лекин гапга қўшимча маъно берадиган бўлак «кириш бўлак» деб нотўғри талқин қилиб келинган), шу боис бундай ёндашувнинг илмий асосга эга эмаслигини кўрсатиш ва исботлаш вақти келди.

2. Эътироф этиш лозимки, кириш бўлак (парентеза) гапнинг тенг ҳуқуқли бўлакларидан бири бўлиб, у барча тилларда гапнинг синтактик қурилишига хос универсал ҳодиса сифатида тилда сўзловчилар/ёзувчиларнинг гапда ифодаланган лингвокогнитив воқеликка бўлган «субъектив-модал муносабати» концептини ифодалаш учун қўлланадиган гап бўлаклари бўлиб, улар одатда сўз, сўз бирикмаси ёки содда гапга тенг таркибли бир клоуз билан ифодаланиши мумкин.

3. Кириш бўлак деганда гапда «субъектив-модал муносабат»ни ёки лингвокогнитив семантикани воқелантирувчи шундай бир бўлакни тушунамизки, у гапда сўз, сўз бирикмаси ёки содда гапга тенг таркибли бир клоуз билан ифодаланиб, гапнинг асосий қисми билан, *тенглашиш ва тобелашиш* синтактик муносабатларидан фарқли ўлароқ, синтактик *«киришиш»* муносабати орқали боғланади.

4. Кириш бўлакнинг қандай тил бирлиги билан ифодаланишидан келиб чиқиб, қиёсланаётган тилларда кириш қурилмаларни қуйидаги 3 структурал-семантик турга ажратиш мумкин:

1) кириш бўлаги сўз билан ифодаланган қурилма;

2) кириш бўлаги сўз бирикмаси билан ифодаланган қурилма;

3) кириш бўлаги гап (клоуз) билан ифодаланган қурилма.

5. Кириш бўлакларнинг фразеологик бирликлар билан ифодаланиб, у ёки бу халқ маданиятига хос воқеликни ифодалаш учун қўлланадиган турларидан келиб чиқиб, уларни *лингвокультуремалар* деб ҳисоблашга тўлиқ асос бор, чунки улар инглиз ва ўзбек халқлари тиллари ва маданияти билан узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг бетакрор лингвокультурологик хусусиятларини ўзларида воқеалантирадилар;

Адабиётлар:

1. *Бархударов Л.С., Штелинг Д.А*. Грамматика английского языка. – Москва: Издательство литературы на иностранных языках, 1960. – 425 с.

2.*Ҳошимов Ғ.М*. Гап ва унинг бўлаклари ҳамда кенгайтирувчиларига қиёсий-типологик ёндашув // Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Андижон, 2019. – Б. 73–81.

3. *Абдураҳмонов Х., Рафиев А., Шодмонқулова Д*. Ўзбек тилининг амалий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 256 б.

4. *Ғуломов А., Асқарова М.А*. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 315 б.

5. *Нурмонов А*. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 232 б.

6. *MacInnerney A.* The Syntax of Parenthetical Topics in English. Undergraduate research thesis. Ohio State University, 2016. – P.146.

7. *Ильиш Б*. Строй современного английского языка. – Ленинград: Просвещение, 1971. – 366 р.

8. *Столярова И.В*. Модальная характеристика вводного компонента в современном русском литературном языке: Дисс... канд. филол.наук.–Ленинград, 1985. – 178 с.

9. *Сайфуллаев А.Р*. Ҳозирги ўзбек тилида кириш бўлак. – Тошкент: Фан, 1972. – 257 б.

10. *Teodor D*. Sister Carrie.–Philadelphia: University of Pennsylvania press, 1981. – 643 p.

11. *Теодор Д*. Бахтиқаро Керри /Э.Носиров таржимаси.–Тошкент: Шарқ, 2007. – 255 б.

12. *Хошимов Ғ.М*. Типология сложных предложений разносистемных языков. – Ташкент: Фан, 1991. – 106 с.

13. *Пирогова М.* Вводные компоненты в рассказах А.П. Чехова. Магистерская работа. – Вильнюс, 2009. – 60 с.

14. *Hemingwey E.* The old man and the sea. – New York: Maple press, 2013. – 52 p.

15. *Ҳемингуэй Э.* Чол ва денгиз / И.Ғофуров таржимаси. – Тошкент: Ёш гвардия, 1986. – 56 б.

16. *Marquies G.* One hundred years of solitude. – New York: Avon Books, 1970. – 201 p.

17. *Маркуез Г*. Ёлғизликнинг юз йили /А.Жўрабоев таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 483 б.

18. *Раҳимов У*. Прагматик синонимия // Ўзбек тили ва адабиёти, 2015. – № 5. – Б. 3–7.

19. *Антонова В.В.* О лингвокултурологическом потенциале синтактических конструкций русского языка (на примере парантезы) // Русский и иностранные языки и методика их предподования, 2014. – № 4. – Б. 13–16 с.

LINGUVOCOGNITIVE AND LINGUCULTUROLOGICAL ASPECTS OF INTRODUCTION IN DIFFERENT LANGUAGES

G.M. Hoshimov[1], H.O. Kosimova[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2021. 1(53). 89-97.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: *introductory parts, parenthesis, classification of parenthesis, coordination, subordination and introduction as types of syntactic relations, communicative need, communicative intention, communicative-pragmatic types of introductory parts and their linguoculturologicalfeatures.*

In modern linguistics in the overwhelming majority of the investigations on the introductory parts of the sentence there dominates one way treatment running that such words (obviously, apparently; албатта, бўлмасамчи, афтидан),(phrases «to tell the truth, рости билан, ростини айтганда;in a nut shell, гапнинг қисқаси, гапнинг индаллоси, гапнинг пўст калласи), or cluases («as you see",»as is known"; «кўриб турганингиздек", «маълумингиздек",etc.), are unanimously called «introductory parts of the sentence, which have no syntactic-grammatical ties with main part of the sentence", which,we think, is not fair and scientifically well-grounded, because that unhappy phrasal term «introductory parts of the sentence»acknowledged almost by everybody prompts the following question risingin here: As to what part or parts of the sentence has an introductory part such a status? Sure,a sentence partlike any other(of which an introductory part is one) hasan official status of grammatical part of a sentence and why shouldn't an introductory part have the very status mentioned above bearing the same status and name as such? What is the barrier here?

Observations on the structural–semantic, communicative-pragmatic and linguoculturological features of the «introductory parts of the sentence»have shown thatlike any other part of a sentence the introductory parts have their own status as a part of the sentence, because hereunlikecoordinativeand subordinative relations(connections), one faces the introductory relations (connections) which is translated into Russian as «вводные отношения(связи)". The recognition of such a status of an introductory part of the sentence directly involves the recognition of its grammatical ties with the remaining part of the sentence. That is seen in its grammatical relations with the main part of the sentence, in which an introductory part functions as a parenthesis, realizing not casual coordinative or subordinative relations but introductory ones as the third type of syntactical relations.

All the types of the introductory parts of the sentence are characterized by one and the same linguocognitive basis, rather linguocognitive semantics(concept)of « subjective modal evaluation»of the proposition underlying the main part of the sentence.

Some introductory parts of the sentence(like «in a nutshell, to cut a long story short, to my astonishment, it goes without saying, гапнинг индоллоси, гапнинг пўст калласи, очиғини айтсам") represent phraseological units verbalizing certain parenthetical semantics can be fine examples of linguoculturemes inEnglish and Uzbek, for they show ethnocultural uniqueness of English and Uzbek people.

References:

1. Barkhudarov, L.S. ShtelingD.A. (1960) *Grammatika anglijckogo yazyka* [English grammar]. Moskow: Izdatel'stvo literatury na inostrannyh yazykah.

2. Hoshimov, G.M. (2019) Gap va uning bo'laklari hamda kengaytiruvchilariga qiyosiy-tipologik yondashuv [Comparative-typological study of sentence, parts of the sentence and its extensions]. In:'*Nutq madaniyati va o'zbek tilshunosligi dolzard muammolari'* [Speech Culture and Uzbek Linguistics]. Materials of international scientific and practical conference, Andijan. Pp 73-81.

3. Abdurahmonov, G.A.(1996) *O'zbek tili grammatikasi* [Uzbek grammar]. Tashkent: O'qituvchi.

4. G'ulomov, A., Asqarov, M.A.(1992) *Hozirgi o'zbek adabiy tili* [Modern Uzbek literary language]. Tashkent: O'qituvchi.

5. Nurmonov, A. (2002) *O'zbek tilshunosligi tarixi* [History of Uzbek linguistics]. Tashkent: O'zbekiston.

6. MacInnerney, A. (2016) The Syntax of Parenthetical Topics in English.Undergraduate research thesis. Ohio State University. P.146.

7. Il'ish, B. (1971) *Stroj sovremennogo anglijskogo yazyka* [The Structure of Modern English]. Leningrad: Prosveshchenie.

8. Stolyarova, I.V.(1972) Modal'naya harakteristika vvodnogo komponenta v sovremennom russkom literaturnom yazyke [Modal characteristics of introductory components in modern Russian

literary language]. Dissertation of the candidate of philological sciences. Leningrad.

9. Sayfullayev, A.R. (1972) *Hozirgi o‘zbek tilida kirish bo‘lak* [Introductory parts in modern Uzbek language].Tashkent: Fan.

10. Thedore, D.(1981) Sister Carrie. Philadelphia: University of Pennsylvania press.

11. Thedore, D.(2007) *Baxtiqaro Kerri* [Sister Carrie]. Translated by E. Nosirov.Tashkent: Sharq.

12. Hoshimov, G.M. (2019) *Tipologiya slozhnyh predlozhenij raznosistemnyh yazykov* [On the problems of typological and general syntax of complex sentence]. Tashkent: Fan.

13. Pirogova, M.(2009) *Vvodnye komponenty v rasskazah A.P.Chekhova* [Parentheses in A.Chehov stories (structural, semantic and functional aspect)]. Master degree work.Vil’nyus.

14. *Hemingway, E.*(2013) The old man and the sea. New York: Maple press.

15. *Hemingway, E.*(1986) *Chol va dengiz* [The old man and the sea]. Translated by I.Gafurov. Tashkent: Yosh gvardiya.

16. *Marquies,G.* (1970) One hundred years of solitude. New York: Avon Books.

17. Маркуез, Г. (2014) *Yolg‘izlikning yuz yili* [One hundred years of solitude]. Translated by A. Jo‘raboev. Tashkent: Shark.

18. *Rahimov*, U. (2015) *Pragmatik sinonimiya* [Pragmatic synonymy]. *O‘zbek tili va adabiyoti*. No 5. Pp. 3-7.

19. Antonova, V.V. (2014) O lingvokulturologicheskom potenciale sintakticheskih konstrukcij russkogo yazyka (na primere parantezy) [On linguocultural potential of Russian syntactic constructions (on parenthetical materials)]. *Russkij i inostrannye yazyki i metodika ih predpodovaniya.* No 4. Pp 13-16.

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Ҳошимов Ғанижон Мирзаҳмедович – филология фанлари доктори, Андижон давлат университети Инглиз тили грамматикаси кафедраси профессори E-mail:ganijon50@bk.ru

Қосимова Ҳуснура Ойбек қизи – Андижон давлат университети Инглиз тили ва адабиёти кафедраси магистри. E-mail: husnura96@gmail.com